Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 22 октябрь, Шанба | №158 (21.732) | Сотувда эркин нархда.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларнинг давлатга 420 минг тоннадан зиёд сифатли пахта топшириб, йиллик режани мамлакатимизда биринчи бўлиб бажарганингиз барчани беҳад қувонтирди. Зеро — бу йил бўйи қилинган мардона меҳнат самарасидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотнинг устивор мақсади — иқтисодий мустақилликка эришмоқдир. Саҳоватли заминимизнинг ҳар қаричидан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш, айниқса, пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш бу борада беқиёс аҳамият касб этади.

Сизларнинг уюшқоқлигингиз, тадбиркорлигингиз, Ватанимиз иқтисодий қудратини ошириш йўлидаги ҳалол ва мардона меҳнатингиз карвонбошилик қилишингизда қўл келди. Ана шу фазилатларингиз бугун юзингизни ёруғ этмоқда, шарафингизга шараф қўшмоқда.

Қашқадарёнинг поёнсиз далаларида мардлик ва шижоат кўрсатган барча-барчага ташаккур айтаман. Сизларнинг катта меҳнат ғалабангиз бошқаларнинг ҳам ғайратларига ғайрат қўшади деб ишонаман.

Ҳамиша якдил ва омон бўлинглар! Хирмонларингиз эзгу ниятларингиз каби юксалаверсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

(Қашқадарё вилояти пахтакорларининг меҳнат ғалабасига бағишланган материалларни газетанинг 3 - саҳифасида ўқийсиз).

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни эришган улкан муваффақиятингиз — мустақил Ватанимиз хирмонига 290 минг тоннадан ортиқ пахта топшириб, йиллик маррани биринчилардан бўлиб забт этганингиз билан чин дилдан табриклайман.

Хоразм вилояти пахтакорлари қўлга киритган бу меҳнат ғалабаси жаҳонга юз тутаётган жонажон юртимиз куч-қудратини оширишга қўшилган муносиб ҳиссадир. Ерни эъзозламоқ — элни эъзозламоқдир. Воҳадаги мураккаб об-ҳаво шароитига қарамай, ҳар қарич ердан омилкорлик билан фойдаланиб мўл ҳосил етиштирган заҳматкаш деҳқонларга, пахтани йиғиб-териб олишда ғайрат ва ҳиммат кўрсатган ҳар бир кексаю ёшга самимий миннатдорчилик билдираман.

Пешона терингиз эвазига кўтарилган хирмонларингиз эртанги кунимизнинг янада маъмур ва фаровон бўлишининг гаровидир.

Сизларга улуғ мақсад йўлидаги эзгу ишларингизда янги зафарлар тилайман. Сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, омад сизларга ҳамиша ёр бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВ.

(Хоразмлик пахтакорлар эришган муваффақиятлар ҳақида газетамизнинг келгуси сонида ҳикоя қиламиз).

ҚАРДОШЛАР ЯКДИЛЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18-19 октябрь кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этди.

Суратда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл билан суҳбатлашаётган пайт.

А. Илёсов (ЎзА) олган сурат.

Маълумки, Марказий Осиё, Озарбайжон ва Туркия давлат раҳбарларининг дастлабки учрашуви икки йил муқаддам — 1992 йилнинг октябрь ойида Анқарада бўлиб ўтган эди. Умуман, жаҳонда социализмнинг таназзули, икки қарамақарши тузум ва улар юритган мафкуравий сиёсатнинг башар саҳнасидан тушиши иқтисодий алоқадорлик, минтақавий, тарихий, маданий ва бошқа хил яқинликларга асосланган янгидан-янги ташкилотлар, ҳамдўстликлар юзага келишига туртки бўлди. Шу маънода Анқарада асос солинган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг учрашуви ҳам замон талабига мос бўлиб, ўшанда эндигина истиқлолга эришган туркий тилли республикаларнинг тезроқ жаҳонга чиқиши ва дунё иқтисодий интеграцияси жараёнига қўшилиши масаласи улардан ўзаро ҳамжиҳатликни, қолаверса, Туркиядек бақувват давлат билан кенг ҳамкорликни тақозо этиши табиий эди. Анқара учрашувида ўзаро ҳаво ва сув йўлларини тиклаш, темир йўл ва автомобиль йўлларини қуриш, телекоммуникация, ўзаро техник ёрдам кўрсатиш, маданий алоқалар ўрнатиш, савдо-сотиқ ишларини мазкур мамлакатлар халқлари тарихи, тили, эътиқоди ва маданияти бирлигидан келиб чиқиб, замон талабига мос босқичга кўтариш масалаларининг муҳокама этилгани эътиборга лойиқдир.

Истанбулнинг гўзал ва муҳташам "Чароғон" саройида ўтган бу галги олий даражадаги учрашув том маънода дастлабки кенгашнинг узвий давоми бўлди. Унда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Туркия давлат раҳбарлари иштирок этди. Президентлар иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, бундан икки йил илгари қабул қилинган Анқара декларациясининг амалий ҳаракатини таъминлаш юзасидан музокаралар ўтказдилар. Бу музокаралар келгусида туркий тилли давлатларнинг ягона бозорини яратиш, қардош мамлакатларнинг икки томонлама ва кўп томонлама муносабатлари равнақига муносиб ҳисса қўшиш баробарида минтақада вужудга келган муаммоларни биргалашиб ҳал этиш, мустақилликка эришган туркий давлатларнинг эгаменлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Давлатлар раҳбарлари Истанбул Декларациясини қабул қилдилар. Мазкур ҳужжатда туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни, иқтисодий, сиёсий, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни янада такомиллаштириш, Осиё қитъасида можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш ҳамда бошқа бир қанча масалалар хусусида сўз боради.

Олий даражадаги учрашув якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда кўплаб мамлакатлардан келган журналистлар, чет эл ваколатхоналари вакиллари қатнашди. Матбуот конференциясини Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл очди. Президентлар Ислом Каримов, Гайдар Алиев, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Сапармурод Ниёзов оммавий ахборот воситаларининг саволларига жавоб бердилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, учрашув Ўзбекистон билан барча туркий тилли давлатлар ўртасидаги муносабатлар борасида янги саҳифа очди ва бу борада, аввало, республикамиз Президентининг саъй-ҳаракати ва давлат раҳбарлари ўртасидаги юксак мавқеи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ислом Каримов нафақат расмий музокараларда, балки матбуот анжуманида, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳамда Ҳамдўстлик давлатлари журналистлари билан танаффус чоғида суҳбатларда моҳир раҳбар, иқтидорли иқтисодчи ва айни пайтда фикр қўлами кенг сиёсатчи, ёниқ фикрлари билан ҳар қандай кишини мусоҳабага жалб эта олувчи самимий ҳамсуҳбат сифатида диққат-эътиборда турди. Шу маънода учрашув кунлари Туркия газеталари: "Ислом Каримовнинг Истанбулга ташрифи Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларга ҳам ўзгача бир ҳарорат бағишлади", деб ёзиши бежиз эмасди. Тошкентга қайтишда, юртбошимиздан учрашув натижалари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Учрашув жуда юқори даражада ўтди, — деди Ислом Каримов. — Бу муҳим йиғиннинг ташаббускори ва ташкилотчиси бўлган Туркия давлати ҳамда ислоҳотларимизнинг халқимиз ҳаётига нечоғлик фойда, енгиллик келтираётгани билан ҳам ҳисоблашишимиз шарт. Учрашувдан мақсад кимдандир қанчадир миқдорда моддий кўмак сўраш эмас, балки ана шу масалаларни ўртада муҳокама қилиш, бир-биримиздан маънавий мадад, маслаҳат олишдан иборат.

Ислом Каримов учрашувнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — музокараларда ҳамма туркий давлатлар учун бирдек муҳим бўлган умумий масалалар муҳокама қилингани хусусида тўхталди. Булардан бири — Афғонистон — Тожикистон чегарасидаги можаролар муаммосидир. Бу хавф бартараф этилмаса, эрта бир кун унинг олови бутун Марказий Осиёни қамраб олиши мумкин, деди Президент. Бизнинг бу борадаги қарашларимиз БМТ ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг нуқтаи назари билан мос тушади. Иккинчи масала, айрим собиқ шўро республикаларида кучайиб бораётган шовинизм руҳидаги ҳаракатларнинг олдини олиш керак. Эътибор қилсангиз, Буюк Британиядек ҳур ва фаровон мамлакат ҳам, АҚШ ёки Япония ҳам неча ўн йилликлар давомида юксак тараққий этган мамлакатга айланган, дея қайд этди Ислом Каримов. Бизнинг истиқлолга эришганимизга, мустақил ривожланиш йўлини тутганимизга эса атиги уч йил бўлди. Ёмон ниятли кучлар бу йўлда кишиларимиз дуч келаётган вақтинчалик қийинчиликлардан фойдаланиб қолмоқчи, уларни мустақиллик йўлидан чалғитмоқчи, ортга қайтармоқчи бўладилар. Биз — давлат раҳбарлари четдан бўлаётган ана шундай сиёсий зарбаларга қарши биргаликда курашишимиз керак.

Давлатимиз чегараси, аслида, шартли тушунча, деди юртбошимиз. Биз — ҳаммамиз ягона Ватан — муқаддас Туркистон фарзандларимиз. Шундай экан, Туркиянинг Шарқу Ғарбдаги нуфузию обрў-эътиборидан ҳам фахрлансак, ҳам ўрнак олсак арзийди. Туркиянинг жуғрофий жойлашуви, хусусан, унинг денгиз йўлига эгалиги мазкур жумҳуриятнинг сиёсий ва иқтисодий мақомини беҳад юксалтириб юборди. Ана шундай қулай ва арзон савдо йўллари қадим Турон заминидаги барча давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам кенг очилиши керак. Олий даражадаги учрашувларимиз эса бундай масалаларни тезроқ ҳал этиш имконини беради. Ватан, халқ манфаатига катта ҳисса қўшиши мумкин бўлган шу хилдаги учрашувларда мунтазам қатнашиш ва ўзаро фикр алмашишга тайёрмиз, деди Ислом Каримов пировардида.

Туркия сафарида мамлакатимиз раҳбарига республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Истанбул — Тошкент

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

21 октябрь куни МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги мажлиси бошланди. Анъанавий учрашувда 12 давлат бошлиғи иштирок этди. Мажлисни Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельцин очди.

Ёпиқ эшиклар ортида давом этган давлат бошлиқлари кенгашида ўнга яқин масалалар, жумладан, "Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ўртасида интеграцияни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳақида" меморандум, бу борадаги ҳаракатларнинг истиқбол режаларини белгилаш, иқтисодий иттифоқнинг давлатлараро иқтисодий қўмитасини ҳамда ўзаро тўлов иттифоқини тузиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, давлат бошлиқлари учрашувида МДҲ доирасида сиёсий ва ҳарбий масалаларни ҳал этишга оид музокаралар бўлиб ўтди. Фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳам кун тартибидан жой олди.

Учрашувларда Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Х. САИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Акмал Холматович Саидов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Х. САИДОВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТЛИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Акмал Холматович Саидовга Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатлик мартабаси берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 20 октябрь.

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши XII пленуми қарорига биноан партиямиз туман ва шаҳар кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда. Жумладан, бундай анжуманлар республикамизнинг Бектемир, Дўстлик, Жиззах, Жондор, Зангиота, Косонсой, Марпай, Ш. Рашидов, Мирзо Улуғбек, Шайхонтоҳур, Шуманай, Чилонзор туманлари, Гулистон ва Янгиер шаҳарларида ўтказилди. Пленумларнинг қатнашчилари партиямизнинг навбатдан ташқари II қурултойига делегат қилиб сайлаш учун номзодлар кўрсатдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси, республика Президенти И. А. Каримов мазкур пленумлар ҳамда улар олдидан бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида қурултой делегатлигига биринчи номзод этиб кўрсатилмоқда. Бу — юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлининг тўла қўллаб-қувватланаётганлигидан далолат беради.

Пленумларда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига партиямиздан номзодлар рўйхати тасдиқланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар бўйича таклифлар берилди.

Партиямизнинг туман ва шаҳар кенгашлари пленумларини ўтказиш давом этмоқда.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

КЕЧА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ОНА ТИЛИ КУНИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ

ҚОНУН — АМАЛДА

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кунининг беш йиллигига бағишлаб йиғилиш ўтказилди.

Унда партиямиз тузилмаларида мазкур Қонун қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, ХДП барча даражадаги кенгашлари ва бошланғич ташкилотларининг жойларда бу борада олиб бораётган амалий ишлари тўғрисида ҳамда шу соҳадаги ҳали ечилмаган муаммолар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази

ҚЎШМА МАЖЛИС

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Бобур номидаги тилшунослик институти илмий жамоаларининг Давлат тили ҳақидаги Қонунининг беш йиллигига аталган қўшма мажлиси бўлди. Уни Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов кириш сўзи билан очди.

Қўшма мажлис қатнашчилари Тилшунослик институти раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Ҳожиев билан Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Ҳ. Алиқуловларнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонунининг аҳамияти ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳақида маърузаларини катта қизиқиш билан тингладилар.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидаги қутлуғ сана ва муҳим воқеа — партиямиз ташкил топганлигининг 3 йиллиги ҳамда унинг навбатдан ташқари II қурултойи иш бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Таҳририят шу муносабат билан партиямизнинг босиб ўтган йўли, жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи туркум саҳифаларни тайёрлади. Бугун 2-бетда дастлабки саҳифа берилмоқда.

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР МАМЛАКАТИ

Шу йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитойга давлат ташрифи бошланади

Осиё кишилари руҳиятида Ғарбдагидан фарқли равишда зоҳирий гўзалликка эмас, балки ботиний гўзалликка интилиш кучли, бу Осиёнинг ғаройиб табиати билан боғлиқдир, деб таъкидлашган Шарқнинг буюк мутафаккирлари. Дунёда энг кўп аҳолига эга мамлакатлардан бири, улкан имкониятлари мавжуд бўлган улкан қўшнимиз — Хитой Халқ Республикаси ҳақида бир сўз айтишдан аввал мазкур миллат руҳиятининг ички жўшқинлиги, айни пайтда эса зоҳиран сокинлигини таъкидлаш лозим.

Жуда қадим ва буюк тарихга эга Хитой халқи ана шу хислатлари туфайли кейинги бир неча ўн йилликлар давомида катта иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтди. Бугунги кунда Хитой Республикаси ўзига хос иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошираётгани билан жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортмоқда. Мамлакат иқтисодининг ўсиш суръати эса ҳар йили ўн фоизни ташкил этмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Хитой янги аср бўсағасида ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилади.

Хитой ютуқларининг гарови ўзгалар йўлига, айниқса собиқ Совет Иттифоқининг социализм ҳақидаги қотиб қолган ғояларига тақлид қилмай, мамлакатнинг ўз ривожланиш йўлидан бориши эди. Бу йўл "маданий инқилоб" деб аталмиш ялпи тадбирнинг оғир сабоқларидан сўнг танланди ва "Хитой ислоҳотларининг отаси" деб ном олган собиқ раҳбар Дэн Сяопин бошчилигида Хитой халқи улкан ишларни амалга оширди. Мамлакатда очиқ эшиклар сиёсати ўтказила бошланди, турли хил мулк шакллари вужудга келиши ва хорижий сармояларнинг жалб этилишига кенг имкониятлар яратилди. Қишлоқ хўжалигида эса оилавий пудрат йўлга қўйилди. Хитой ахолисининг деярли 80 фоизи қишлоқларда яшаши ҳисобга олинса, бу вазифанинг нақадар мураккаб эканини ҳис этиш мумкин. Оилавий пудрат Хитой қишлоқ хўжалигини инқироздан олиб чиққанига бугун ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Шу тариқа хитойча услубга эга социалистик бозор иқтисоди шакллантирилди. Ҳозирги пайтда Хитойда 120 минг хусусий корхона, хорижий ҳамкорлар билан тузилган 60 мингдан ортиқ қўшма корхона мавжуд. Очиқ иқтисодий ҳудуд деб эълон қилинган уезд ва қишлоқлар сони 800дан ошиқдир. Мамлакат оғир саноат, тоғ саноати ва кемасозликда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Айни пайтда Хитой 182 хорижий давлат билан савдо-сотиқ қилмоқда ва валюта даромадининг 80 фоизини экспортдан олмоқда.

Тараққиёт пиллапояларидан дадил кўтарилиб бораётган Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ўртасида дўстона, ўзаро тенг манфаатдорликка асосланган ҳамкорликнинг ривож топиши икки мамлакат халкларининг минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ва иқтисодий алоқалари билан бевосита боғлиқдир. Ғарб ва Шарқни бирлаштирган "Буюк ипак йўли" бўйлаб сафарга отланган карвонлар қадимий шаҳарларимиздан ўтиб, Чинга кириб борган. Хитойга жун, тери ва қуруқ меваларни олиб борган ўзбек тожирлари у ердан чинни, ипак ва чой каби маҳсулотлар билан қайтганлар. Буюк бобомиз Амир Темур даврида Хитой билан давлатчилик алоқалари ўрнатилган эди. Ўзбекистон эгамен давлат сифатида жаҳон харитасида намоён бўлгач ва юртбошимизнинг 1992 йил март ойида Хитой Республикасига ташрифидан сўнг ўзаро манфаатли алоқалар янги босқичга кўтарилди. Ана шу ташриф чоғида иқтисодий, маданий, маърифий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликка доир 15 га яқин битим имзоланди. ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Пэннинг шу йил ап ель ойидаги мамлакатимизга ташрифи чоғида эса Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик, кредит, ҳаво транспорти алоқаларини йўлга қўйиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Ана шу битимларнинг ҳаётга кенг татбиқ этилаётгани амалий ҳамкорликнинг намунаси бўла олади. "Тошинтерм"нинг хорижда ҳам таниқли маҳсулотлари, "Зафар" қўшма корхонасининг телевизорлари ва бошқа талай халққа манзур бўлаётган моллар хитойлик ҳамкорлар билан бирга ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда 70 га яқин ана шундай Ўзбекистон-Хитой қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хитойнинг бешта йирик компанияси Тошкентда ўз ваколатхоналарини очди. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши натижасида эса 1993 йили Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми 70 миллион доллардан ошди.

Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг биринчи босқичи тугалланди. Ислоҳотларнинг мураккаб ва масъулиятли бўлган кейинги босқичларигаўтиш арафасида бу борада тажрибага эга, ўзига хос тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар, жумладан, Хитой Халқ Республикаси кўлга киритган ютуқларни кўздан кечириш ва маъқул жиҳатларини ўрганиш фойдадан холи эмас, албатта. Шу жиҳатдан, юртбошимизнинг Хитой республикасига давлат ташрифи мавжуд амалий ҳамкорликка янги қувват бағишлабгина қолмай, ҳар икки мамлакат мутахассисларининг ўзаро тажриба алмашишига ҳам кенг имконият яратади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон энди "янги уй кам-кўстларини тузаш билан овора" янги республика сифатида эмас, кам-кўстлари тузалган янги уйнинг танилган соҳиби сифатида Хитой билан дўстона алоқаларни ва тенг манфаатдорликка асосланган ҳар томонлама ҳамкорликни кучайтиришга чоғланмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой давлатларининг ташқи сиёсатида уйғун жиҳатлари кўп. Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, тинчликсевар ташқи сиёсат юргизиш, барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш — ҳеч бир гурух ёки ҳарбий блокка аъзо бўлмаган ҳолда тинчлик учун курашаётган Хитой ташқи сиёсатининг бош йўналишидир.

Ўзбек ва Хитой халқлари ўртасида дўстона муносабатларнинг қарор топгани ва маданий-маърифий соҳадаги ҳамкорликнинг кенгайиб бориши бу икки миллат руҳиятидаги ўхшашликка ҳам боғлиқдир. Ўзбекистонлик бир гурух талабалар Хитойда билим олишмоқда ва Тошкентдаги 59-ўрта мактабда Хитой тили махсус ўқитилмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган "Ўзбекистон-Хитой" жамияти халкларимиз ўртасида маданий-маърифий алоқаларнинг тобора ривож топишига катта ҳисса қўшаётир. Ойнаи жаҳон орқали Хитой телевидение кўрсатувларининг намойиш этилиши бу халқнинг маданияти, турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконини бермоқда.

"Буюк Хитой девори"ни кўз олдингизга келтирсак ва "Буюк ипак йўли" Хитойга элтишини эсласак, қадимий анъаналарга эга бу халқнинг буюк ишларга даъватқор хусусиятлар соҳиби эканини ҳам кўрамиз. Юртбошимизнинг буюк эврилишлар даврини бошдан кечираётган мазкур давлатга иккинчи ташрифи ўзаро ҳамкорликнинг яна янги уфқлари очилиши, унинг амалий натижаларига бой бўлиши учун хизмат қилади.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидаги қутлуғ сана ва муҳим воқеа — партиямиз ташкил топганлигининг 3 йиллиги ҳамда унинг навбатдан ташқари II қурултойи иш бошлайдиган кун тобора яқинлашмоқда. Таҳририят шу муносабат билан партиямизнинг босиб ўтган йўли, жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи туркум саҳифаларни тайёрлади. Бугун 2-бетда дастлабки саҳифа берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛК ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ — МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДИ

ЎЗХДП 3 ЙИЛЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ДАСТУРИ

*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ НИЗОМИ

1991 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис қурултойи Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганлигини эълон қилди, партиянинг Дастури ва Низоми тасдиқланди. Қурултой Ислом Каримовни партиянинг Раиси этиб сайлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий майдонга инсоннинг ҳар томонлама равнақ топишини, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашини кўзда тутган, ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган аниқ-равшан Дастур билан чиқди.

Ислом КАРИМОВ.

1

1991 йил 31 августда Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очилди. Ўзбекистон Олий Кенгаши халқимизнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганини бутун дунёга маълум қилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. 1 сентябрь — Мустақиллик куни — умумхалқ байрами, деб эълон қилинди.

1991 йилнинг 1 ноябрь куни халқ маъқуллаган барча яхши сифатларни ўзида мужассамлаштирган ва мустақилликни мустаҳкамлашни ўзининг муҳим вазифаларидан бири, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси истиқлол фарзанди сифатида майдонга чиқди.

Республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов Ўзбекистон ХДПнинг Таъсис қурултойида партия фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берди: "Ўзбекистон Халқ демократик партияси собиқ Компартиянинг янгича кўриниши эмас, балки мазмуни ва фаолият усули жиҳатидан батамом янги сиёсий партиядир. Бу партия ўз фаолиятида халқнинг энг яхши демократик анъаналарига, тарихий тажрибасига, адолат, эзгулик, тенглик ва инсон шахси

2

эркинлиги каби умуминсоний қадриятлар ҳамда идеалларга, ахлоқийлик ва одамийлик қоидаларига суянади".

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Дастури ва Низоми асосида фаолият кўрсатмоқда. Унинг бош мақсади — Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашдан иборат.

Аниқ дастурий мақсадлар асосида ҳаракат қилаётган партиямиз ўз иш фаолиятининг бошиданоқ аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари вакилларини, турли миллатга мансуб кишиларни ўз сафларига жалб этишга муваффақ бўлди. У Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олиши учун, ижтимоий адолат ва тараққиёт учун астойдил курашувчиларни ўз атрофига жипслаштира билди.

Партиямиз ўтган даврда бутун куч-ғайратини мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимизда тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлашга, халқимиз билан ҳамиша ҳамнафас бўлиш ҳамда унинг манфаатларига хизмат қилишга қаратди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган

3

ва амалга оширилаётган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш бош йўлини, ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлади, қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилишига ўзининг самарали ҳиссасини қўшмоқда.

Партиямиз давлатимиз раҳбарининг даъватига жавобан ўзининг Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқди ва ҳозирги кунда унинг ғояларини кенг тарғиб этиш, рўёбга чиқариш борасида меҳнат қилмоқда. Маҳаллий ташкилотлар, тарғиботчи ва ташвиқотчилар мазкур дастурий ҳужжатга таянган ҳолда ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқдалар. Ўзбекистон ХДПнинг турдош хорижий партиялар билан алоқалари ҳам тобора кенгаймоқда. Чунончи, Ҳиндистон ва Хитойда ҳокимият тепасида турган партиялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Сафларида адоват, ўзаро зиддият ва парчаланиш аломатлари мутлақо бўлмаган Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқ манфаатларига мос ўз ғоялари, олижаноб мақсадларига ҳамда умумхалқ сайловларида сайланган республика Президенти бўлмиш йўлбошчисига ҳамиша содиқдир.





Ўзбекистон ХДП аъзоларининг сони ҳозирда 380 минг нафарга яқин кишини ташкил этади. Партия аъзолари халқ хўжалигининг барча соҳаларида намунали меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг тобора равнақ топишига муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Ўзбекистон ХДП таркибида ҳозирги кунда 118 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, 12 минг 500 га яқин бошланғич, 3031 та ҳудудий ташкилот бор. Аҳоли ўртасида турли учрашувлар, оммавий-сиёсий тадбирлар, мулоқот ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Юртимиз мустақиллигининг мустаҳкамланишида, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишида, халқимизни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоя қилинишида партиямиз ташкилотлари ва аъзоларининг ҳиссаси каттадир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафлари мунтазам равишда ўсиб бормоқда. 1994 йилнинг тўққиз ойи ичида ХДП аъзоларининг сони 31 минг кишига кўпайди.

ЗАФАР МУБОРАК, ҚАШҚАДАРЁЛИК ПАХТАКОРЛАР!

Юрак-юракларгача эритадиган қўшиқ Юрт ҳақидаги қўшиқ бўлади. Энтикиб-интиқтирадиган соғинч ҳам ана шул юртнинг исмсиз соғинчидир. Кўнглингга шуур берувчи дарак эса ул ёқдан келаётган хуш хабар бўлар экан. Қашқадарёлик деҳқонлар йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарганликларини эшитиб, севинчимиз дунёга, қувончимиз юракка сиғмади. Шодланмай бўларканми? Елкасидан оғир юкни ағдариб, бугун боши осмонга етиб, ўзининг йиллаб қилган меҳнати шукуҳини тотаётган ўша деҳқон биримизнинг отамиз, биримизнинг акамиз, биримизнинг эгачимиз. Шундоқ бўлгач, уларнинг севинчи бизга ўтмайдими? Ўтади-да!

Катта хирмонни катта куч яратди. Пахта пунктларининг остонасигача ястанган ҳосилга қаранг. Унда деҳқону талабанинг, муаллиму санъаткорнинг, қалам аҳлларию қурувчининг, тўқувчию механизаторнинг, ҳатто новвойнинг ҳам қўл излари бор. Юртини бойитмоқчи, элини кийинтирмоқчи бўлган ана шуларнинг отасига минг раҳмат!

Замонлар ўтади. Ўтди ҳам. Қўплар ўзгаради. Ўзгардиям. Аммо Деҳқон ва Дала ўзгармади. Иккисиям баб-баробар юртнинг оғирини елкалади. Бири экди, униси ундирди. Бири саховат кўрсатса, иккинчиси мурувват қилди. Далаям кенг,деҳқоннинг бағрига ўхшайди у. Уларнинг ҳаёт-кечмишиям ўхшаш. Ер уйғонса, деҳқон уйғонади. Ер дам олса, деҳқон дам олади. Ана шу ғаройиб эгизаклик янада яқинлашди. Ниҳоят, йиллар ўтиб, омон-омон замонлар келиб, ер деҳқоннинг ихтиёрига берилди. Қашқадарёда ҳам бундай хайрли иш аллақачон ўз мевасини берди.

Иккинчи йилки, вилоят деҳқонлари мамлакатимизда биринчи бўлиб режани уддалаяптилар. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Президентимиз олиб бораётган ислоҳотларнинг Қашқадарёда изчил амалга ошаётганидан далолат бу.

Юқорида айтилганидек, ерга эгалик ҳуқуқи деҳқонга берилганидан кейин ишлар анча юришиб кетди. Кимдир оиласи билан ўн гектар ерга деҳқончилик қилди. Бошқа биров тенгқурини ёнига олиб, ўттиз гектар майдонда пахта ундирди. Ижарачи, ширкатларнинг йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Шу ўринда Деҳқон ва Ер уйғунлашувининг бошида вилоят ҳокими Темир Хидировнинг турганлигини айтмай бўладими?

Этаклар чаноқлардан, ғарамлар этаклардан уюлди. Ҳаммаси йиғилиб-йиғилиб катта карвонга айланади. Ана шу карвоннинг устида бугун тўрт юз йигирма минг тоннадан кўпроқ юк бор. Бу қашқадарёлик пахтакорлар уйган хирмон — Мустақил Ўзбекистонга катта қудрат.

Биламиз, улкан хирмонда ўсмирнинг ҳам, чолу кампирнинг ҳам улуши бор. Ўтмишдаям худди шундай бўларди-ю... аммо унга сергак кўз билан қараб, кўз олайтирадиганларнинг қитмир нигоҳларини сезиб турардик. Қўлимиз калта эди. Деҳқоннинг ҳалол меҳнати қадрсиз эди. Ўстиргани, ундиргани ўзига насиб қилмасди. Энди-чи? Ҳаммаси ўзиники, боласиники, озод Ватаниники!

Қашқадарёлик деҳқоннинг шарафи таърифланса, мамлакатимизда биринчи бўлиб меҳнат зафарига эришган Китобнинг танти деҳқонини унутиб бўларканми? Залворли одим ила ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олган қамашилик пахтакорлар ҳақида сўз кетса, Касбию Шаҳрисабз, Нишон деҳқонини эсламай илож йўқ. Кенг даштдан кўп хирмон уйган Чироқчини тилга олсак, Ғузорнинг миришқорлари кўз олдимизга келади.

Бу юртда ҳалиям отларнинг дупури тинмайди. Не-не талотуму талотўпларни кўрган бул тупроқнинг сахийлигига сўз-таъриф йўқ. Лоф эмас, ишонаверинг, тўрт фаслда-да дастурхонидан мева-чевадан тортиб қовун-тарвузигача аримайдиган ёхуд поёнсиз Қарши чўлларида жазирама офтоб олов пуркаётганида тоғли Китоб-Шаҳрисабзда ёмғир томчилаб туради. Булар она табиатнинг ноёб мўъжизаси эмасми?

Бугун... Қадимдан келаётган бир ажойиб ҳикмат бор: Яхши кунда руҳлар уйғонади, шод бўлади, деган. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур, қолаверса, кечагина тўйлари бошланган буюк мунажжим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳазратларининг руҳлари ҳар қадамда барчамизни сергакликка, иймонли ва собит бўлмоқликка чорлаб турмоғи аён. Балки шул сабабдир, эрта баҳордан, тўғрироғи, чигит қадалганидан то пишиб етилгунича, бу ёғи пахта терими бошланганидан бери Қашқадарёдан қувончли хабарлар келаётир.

Бугун биз вилоятнинг улкан муваффақиятни қўлга киритган байрам кунида шу элнинг қаддини, обрўсини, номини кўтармоқ учун бутун умрларини тиккан инсонларни эсламоққа бурчлимиз. Бугун Чўли бобо, Рўзимат ота, Жўра Элбоев, Абдувоҳид Каримов, Каромат Рустамова, Муртазо Мустафоевлар (илоё, руҳлари шод бўлсин!) ни, шунингдек, ҳозирда ҳам шу юртнинг туйғуси, дарди билан яшаётган Қурбон Ҳақбердиев, Сероб Хўжақулов каби фидойи одамларнинг номларини айтмасак бўлмас.

Азиз элдошлар, биз сизларни кутлуғ ғалаба билан табриклаб, кўнглимизни очиб "энди бирпасгина дам олинг, ҳордиқ чиқаринг" десакда, биламиз, барибир сиз тинчимайсиз. Далада қолган сўнгги мисқолларни йиғиб олмагунча куну тунларингизда ҳаловат бўлмайди. Майли, оз қолди. Насиб этса, эрта-индин мамлакатимиз пахтакорлари ҳам катта ғалаба довонидан ошади. Ана шунда... қариндош-уруғ, дўсту ёронларни чорлаб, тўй бошлайсиз. Ўғил уйлаб, қиз чиқарасиз. Набирангизга қўша-қўша бешиклар элтасиз. Ана шу шодликларингиз, қувончларингиз элдан элга, қишлоқдан қишлоққа кўчсин. Биз эса ҳаммаҳаммангизнинг олтин бармоқларингиздаги қадоқ изларини суйиб, силаб қоламиз.

Самимий фарзандлик саломи билан:

Норқобил ЖАЛИЛ,
Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
Қурбон АЛИ.
"Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари

"БИР ФАРЗАНД МИСОЛИ ҚУТЛАЙМАН СЕНИ"

Касби туманидаги "Ғалаба" жамоа ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил 5310 тонна "оқ олтин" ҳосили етиштиришни мўлжаллашганди. Улар туманда биринчилардан бўлиб режани уддалашди. Жамоа заршуносларининг меҳнат ғалабасида Кўчар Мирзаев бошлиқ бригада аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Суратда: илғор бригада бошлиғи К. Мирзаев.

Б. Исмоилов олган сурат.

ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ САМАРАСИ

Пахта ва унинг ташвишлари тўғрисида кўп гапирилган, кўп ёзилган. Нима бўлганда ҳам бу бизнинг бойлигимиз, таянчимиз ҳисобланади. Шу боисдан бу соҳа кишисига тиним йўқ. Эрта баҳордан чигит экиш, ғўзани парвариш қилиш, суғориш каби машаққатли ишлар билан машғул бўлса, кузда уни йиғиштириб олиниши ҳам бор-да. Об — ҳавони айтмайсизми?! Биз томонларда баҳор кеч бошланиб, куз эрта келади. Шунинг учун мавсум давомида кучли шамол, изғирин ва бошқа табиий офатлар юз бериши эҳтимолдан холи эмас. Шу машаққатларга қарамай, бу йил биз учун ниҳоятда қутлуғ келди. Шу йилнинг 10 сентябрь куни нафақат вилоятда, балки республикада биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш йиллик режасини адо этдик. 200 гектар майдонга пахта уруғи қадалган эди. Мўлжалдаги 470 тонна ўрнига 505 тонна "оқ олтин" хирмонини яратдик. Режа 107,45 фоиз қилиб бажарилди. М. Олимов, З. Ҳусанова, А. Раҳимов бошлиқ бригада аъзолари мавсум давомида гектаридан 38 — 40 центнердан ҳосил олдилар. З. Суюнова, О. Бойқобилова, П. Ҳайитобилова сингари илғор теримчилар кунига 150 — 160 килограммдан пахта териб, мавсум охиригача 5 — 6 тоннадан "оқ олтин" хирмони яратишга аҳд қилдилар. Шу кунгача терган пахтамиз 818 тонна бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди.

Даладагиларга иссиқ овқат 60 фоиз арзон нархда бериляпти. Пахтакорларга тиббий, маиший, маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилди. Ҳар ҳафта туман матлубот жамиятига қарашли турли савдо дўконлари, маданият уйи қошидаги бадиий жамоалар, кутубхоналар, тиббиёт ходимлари дала меҳнаткашлари ҳузурида бўлмоқдалар.

Ҳукуматимизнинг ғаллачиликни ривожлантириш сиёсатига жавобан 200 гектар пахта майдонини қисқартириб, 2180 гектар сувли ва лалми ерларда ғалла етиштиришни мўлжаллаяпмиз. Одам сонига қараб звеноларга ерни 30 — 40 гектардан бўлиб берганмиз. Бу билан биз ерни асл эгаларига бўлиб бердик, деб ўйлаймиз. Чунки ер эгаси ўзининг моддий манфаати йўлида меҳнат қилади. Шунда ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгариши юзага келади,

Т. СИРОЖОВ,
Китоб туманидаги "Зарафшон" жамоа ширкат хўжалиги бошқаруви раиси.

СУРЪАТ БАЛАНД

Қарши тумани меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажардилар. Миришкор деҳқонлар жорий йилда 38 минг тонна "оқ олтин" етиштиришни мўлжаллаган эдилар. Уюлган хирмон режадагидан ҳам зиёда бўлди.

Тумандаги Собир Раҳимов номли, "Москва", "Чўли ота", "Намуна", Юсуф Хушвақтов номли, "Насаф", "Қарши", "Батош" жамоа ширкат хўжаликлари теримда алоҳида ўрнак бўлдилар. Шу ўринда Собир Раҳимов номли жамоа ширкат хўжалиги ҳақида тўхталиб ўтиш лозимдир. Хўжаликда режадаги 4300 тонна ўрнига 4350 тонна "оқ олтин" териб топширилди. Айни кунларда гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Йиғим-теримни жадал олиб биришда 40 га яқин терим агрегатидан унумли фойдаланилмоқда. Қурбон Эрназаров, Убайдулла Сатторов. Наим Қўшнаев, Холмурод Қўшнаев, Ғолиб Қулмуродов ва бошқа механизаторлар кунига 10-15 тоннадан хирмон уйиб қўйдилар. Ҳалима Турсунова, Одина Отамуродова, Лола Эшонқулова, Соҳиба Исмоилова сингари илғор теримчилар кунига 250 – 360 килограммдан пахта теришяпти.

Шунингдек, тумандаги "Москва" жамоа ширкат хўжалиги ҳам машина ва қўл теримида яхши натижаларга эришмоқда. Режа уддаланди. Хўжаликларда пахта йиғим-терим суръати баланд.

И. КАРОМОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЧАНОҚДАГИ ОППОҚ НУР

Ҳар қанча мақтов изламайлик, деҳқон чеккан заҳмат олдида арзирли эмас. Нуқтадек чигитни оппоқ толаларга айлантиришнинг ўзи бўлмайди. Икки йилдан буён катта синовларни мардона енгаётган қамашилик ва шаҳрисабзлик пахтакорлар чеккан заҳмат буни исботлаб турибди.

Юртбошимиз шу йил ёзда даласига ташриф буюрганда, орзу-режаларини тўлиб-тошиб гапириб берган қамашилик пахтакор Р. Кўчқоров сўзининг устидан чиқди: қўриқ ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиб-териб олди. Энди юртбошига берган ваъдасига вафо қилган бу моҳир деҳқоннинг қувонишга ҳаққи бор.

Икки йилдан буён мамлакатимиз пахтакорлари ўртасида пешқадамлик қилаётган, бу йил ҳам режадаги 29 минг тонна ўрнига 35 минг тонна атрофида пахта етиштирган қамашилик деҳқонлар муваффақиятининг сири нимада? Бу саволга бир сўз билан жавоб бериш қийин. Бу йил ҳам йиғим-теримда пешқадамликни қўлдан бермаган "Фарғона" жамоа ширкат хўжалигининг кекса ҳосилоти Н. Мўминов ютуқларнинг боисини ерга меҳр қўйишда, уни чарчатмаслик, унумдорлигини муттасил ошириб боришда, деб билади. Дарҳақиқат, жамоа миришкорлари бу борада катта тажрибага эга. Пахта майдонлари анча қисқарса-да, юқори ҳосилдорлик эвазига 3,5 минг тоннадан ошиқ пахта сотилгани бунинг яққол далилидир.

— Туманимиздан моҳир пахта усталари етишиб чиққан, — дейди туман ҳокими, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Р. Бозоров. — "Қорабоғ", "Ғиштли", "Қоратепа", "Чим" каби хўжаликларимизнинг ҳар бири 3-3,5 минг тоннадан ошириб пахта етиштириб беришди. У. Ражабова, Т. Талаев, Р. Тонготаров сингари уста пахтакорлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 37-40 центнерга етди. Дашт бағридан бунча ҳосил йиғиштириб олиш осон эмас.

Деҳқончилик маданияти борасида ўзига хос тажриба тўпланган Шаҳрисабзда ҳам баҳор селлари, қор қора совуқ шоширган кунлар ортда қолди. Бир вақтлар соҳибқирон бобомиз Амир Темур тақдирини ўйлаган заминда фидокорона меҳнат хазиналар сандиғини очмоқда. Яқингинада Мирзо Улуғбек тўйини ўтказган шаҳрисабзликлар орзиқиб кутган яна битта шодиёнага муяссар бўлишди. Пахтакорлар 5300 гектар ердан 15 минг тонна юқори сифатли пахта териб олишди. Ҳосилдорлик туман бўйича 28 центнердан, Б. Фозилов, Улуғбек, А. Темур номли, "Ўзбекистон" жамоа хўжаликларида 30-35 центнердан ошиб кетди.

Ҳар иккала туман, табиий шароити турлича бўлсада, ўзига хос тараққиёт режаларини тузиб чиққан. Қамашида бу йил 10,5 минг гектар, Шаҳрисабзда эса 9850 гектар ерни сувли ғалла эгаллайди. Дон мустақиллигига эришиш — юртимиз қудратининг таянчидир. Айни кезда далаларга кузги дон экиш жадал давом этяпти. Деҳқонки, ерга уруғ сочяптими, юртда тўкинлик бўлади. Яратганнинг ўзи бободеҳқонларимизга хайр-барака ато этсин.

Юнус УЗОҚОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Илм масканларида

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Навоий шаҳрига қадам қўяр эканман, буюк шоирнинг:

Бу гулшан ичра йўқдир бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур қолса яхшилик бирла от, — деган машҳур байт хаёлимдан ўтди. Бу дурдона сўзларнинг қанчалик тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этмоқ учун тўғри Навоий педагогика билим юртига йўл олдим. "Хўв, ўртоқ, билмайсизми, "педучилище" қаерда? Ҳа Урчиновнинг "педучилище"сими, хўв, автовокзалнинг ёнида" деди йўловчи..

Остона ҳатлаб билим юрти йўлагига кирар эканман, кўзим Алишер Навоийнинг лотин алифбосида ёзиб қўйилган ушбу сатрларига тушди:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Ғоят ибратли сўз. Ҳа, ўқитувчи-ўқувчини бахт-иқболга етакловчи мураббийдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи, ота-она меҳр билан барча имкониятларини ишга солиб, талабаларни илм-фаннинг чағир тошли сўқмоқларидан сабр-тоқат билан олиб ўтишида иродали бўлмоғи лозим. Биология фанлари номзоди, ХДП аъзоси, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг вилоят кенгаши аъзоси, битта монография ва бир нечта методик тавсиялар муаллифи, Навоий педагогика билим юрти директори Жўра Урчинов раҳбарлигидаги педагоглар жамоаси иши билан танишар эканмиз, бу илм масканида худди юқорида таъкидлаганимиздек, ўз касбига садоқатли, келажаги буюк давлатимиз ворисларини тарбиялашда қийинчиликлардан чекинмайдиган иродали муаллимлар тайёрланаётгани гувоҳи бўлдик.

Билим юрти ташкил этилганига ўн йилдан ошди. Шу йиллар давомида бу илм маскани Навоий вилояти мактаблари учун юзлаб ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасаларига эса тарбиячилар етиштириб берди. Аммо бу ерда таълим-тарбия савияси турли йилларда турлича бўлгани аниқ. Лекин бугунги кунда билим юртида аҳвол қандай? Таълим-тарбия ишлари сифатини ошириш, жамоада соғлом муҳитни вужудга келтириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Худди шу савол билан биз вилоят ҳокимлигига мурожаат қилганимизда Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Ҳусайин Фаҳриддинов мамнуният билан шундай деди:

— Бир йил муқаддам билим юртидаги аҳвол бизни ташвишлантирган эди. Таълим-тарбия ишлари ўлда-жўлда, тартиб-интизом бўшашиб кетганди. Энг ёмони, бу рисоладагидек ўқитувчилар тайёрлаш ишига салбий таъсир кўрсатаётганди. Жўра Урчинов директор бўлиб келгач, билим юртида ишлар анча жонланди. Бу йил вилоятда биринчи бўлиб билим юртида тест синовлари компьютерлар воситасида амалга оширилди. Ҳозир илм масканида 3 та компьютер хонаси бор. Уларнинг ҳар бирида 20 тадан компьютер бўлиб, ўқув машғулотлари улар ёрдамида амалга оширилмоқда...

Ҳақиқатан ҳам бу ерга ташриф буюрган қиши ижобий ўзгаришлар юз берганини пайқаши аниқ. Масалан, деворлардаги ёзувлар бутқул янгиланибди. Бир-биридан чиройли паннолар, методик кўрсатма ва тавсиялар, стендлар ҳар қандай кишида катта таассурот қолдиради. Алоҳида фанлар бўйича ажратилган хоналар замон талаблари даражасида жиҳозланган.

Ҳозирги кунда билим юртида 44 нафар педагог ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотлидир. Энг муҳими, уларнинг илмий иш устида ишлашлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Чунончи, бир фан номзоди, бир аспирант, уч киши эса илмий даража ёқлаш учун илм-фан чўққиларини кўзлаб, меҳнат қилмоқда. Яқинда билим юрти ётоқхонаси қошида эса сиёсий бурчак ташкил этилди. Ундан Президентимиз китоблари, Ўз ХДП Низом ва Дастурлари жой олган. Ўқитувчилар ўз билим ва савияларини ошириш устида тинмай изланмоқдалар.

— Режалар қалай? — деб сўраймиз директор Жўра Урчиновдан.

— Иш кўп, — дейди у қимтиниб камтарлик билан. — Яқинда Навоий туманидаги К. Раҳимов номли жамоа хўжалигининг 3 гектарлик стадионини ўз тасарруфимизга олдик. Билим юртининг янги биносини қурмоқчимиз. Янги бўлимларини очишни мўлжаллаяпмиз. Вилоятимизда бу фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Бу борада бизга Халқ таълими вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, пиллакашлик-уруғчилик бошқармаси катта ёрдам кўрсатмоқда...

Ҳа, қимирлаган қир ошар, интилганга толе ёр дейдилар. Бир донишманд айтганидек, "Авваламбор бир ишни бошлашга қўл урма, бу оқилликнинг биринчи аломатидир. Агар қўл урдингми, уни албатта ниҳоясига етказ, — бу оқилликнинг иккинчи аломатидир". Биз тадбиркор директор Ж. Урчинов бошлиқ мураббийлар жамоасига ана шу эзгу ниятларни амалга оширишда муваффақиятлар тилаймиз. Зеро, устоз Жомий дейдилар.

Илм олишга белингни боғла,
Бошқа ишдан кўнглингни боғла.
Шу билан бас устозинг сўзи.
Қолганини айтур илм ўзи.

Т. ХАЛИЛОВ.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

БАРДАМ БЎЛИНГ, ОТАХОН!

Унинг номини мамлакатимиздагина эмас, кўпгина ҳамдўстлик давлатларида ҳам уруш кўрган жангчилар хонадони аъзолари ҳурмат билан тилга олишади. Боиси, республика тоифасидаги нафақахўр Мажид Самадов хизмат кўрсатган журналист, олти фарзанднинг отаси. Ўн беш набирасининг бобоси, Пискент туманидаги эътиборли қайвонилардан.

У 1942 йил ноябрь ойида фронтга жўнаб, 1945 йил ноябрь ойигача хизматда бўлди. Смоленск вилояти, Белоруссия, Литва, Шарқий Пруссияни фашистлардан халос этишда мардона турди. 159-ўқчи дивизиянинг 597-артиллерия полкида нишонга олувчи, тўп командири сифатида жанг қилди. Аввал Шарқий Пруссия, кейин Берлин рейхстаги ёнида қаттиқ ярадор бўлди. Фронт госпиталларида даволаниб, яна сафга қайтди.

Мажид ака душманнинг 3 та танки, 5 та пулемёти, 2 та миномётини яксон қилган. Жанговар хизматлари учун II даражали Ватан уруши ордени, 2 та "Жасурлиги учун", "Берлин ишғол қилинганлиги учун", "Германия устидан ғалаба қозонилгани учун" медаллари билан мукофотланган.

Урушдан кейин севган касби — муаллимчиликни давом эттирди. Ўқитувчи, илмий мудир, директорлик қилди. Тошкент Давлат педагогика институтини сиртдан тамомлагач, 1958 йилдан "Меҳнат байроғи" туман газетасига муҳаррирлик қилиб, 1985 йилдан нафақахўрлар сафига қўшилди.

У асло тиниб-тинчимайди. Савобли ишларнинг кетидан юради. Урушда бедарак кетган, қора хат олган ўзбек ўғлонларини излашга киришди. Ўзбекистон Ёзувчилари ва Журналистлари уюшмаларининг аъзоси сифатида Ватан ўғлонлари ҳақидаги мароқли ҳикоялари билан ўз ўқувчиларини топди. Айниқса, унинг собиқ Иттифоқ Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги марказий архивида узоқ муддатли изланишлари таҳсинга лойиқ. Меҳнати зое кетмади. Номаълум тақдирлардан 34 минг ўзбек жангчиси қабрини аниқлади. Бедарак кетганлар орасида 159 нафар Совет Иттифоқи Қаҳрамони, 50 нафар "Шуҳрат" орденларининг тўла соҳиблари борлиги маълум бўлди. Қарийиб 200 жангчининг турли сабаблар билан эгасини тополмай қолган орден ва медалларининг тақдим этилишига эришди.

Мард жангчилар, собиқ сафдошлари ҳақидаги "Жасорат саҳифалари", "Карим партизан", "Қасоскорлар", "Жангномага айланган сатрлар", "Эллик баҳодир", "Навечно в памяти" номли китоблари чоп этилди. Уларда 10 мингта яқин марҳум жангчиларнинг тақдири ўз ифодасини топган.

Жангчи-адиб хизматидан миннатдор минглаб оилалардан мактублар сон-саноқсиз: 12 минг 700 тага етибди.

Мажид Самадов шу кунлар ўзининг 70 йиллик баҳорини нишонламоқда. Дўстимиз, ажойиб инсон Мажид акага мустақил юртимиз ўғлонлари қалбида Ватан туйғусини жо қилишдек хайрли ишда ютуқлар тилаб, ҳамиша бардам бўлинг, деймиз.

Собир МИРВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг аъзоси.
Маҳмуд САТТОРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасининг 1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди:

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"га обуна бўлишга шошилинг!

КЎЗИНГ ҚАРОҒИГА ЖОНИМ ЖОЙЛАЙИН

Маҳмуд Тоиров тоғ-нинг боласи. Келса кўнгилларга тоза ҳаволар олиб келади."Шоир"десангиз, ҳазилмамо оҳангда "Паркентда бир менмас, ҳамма шоир"деб кўяди. Шеърий тўпламлари чоп этилган. Туман газетасида муҳаррир.

ВАТАН

Шабнамга майсанинг ёноғи Ватан,
Кўз ёшга инсоннинг қароғи Ватан,
Не ажаб, жон бериб пойига тушса,
Парвонага ҳар уй чироғи Ватан.

Онам алласида оҳангин туюб,
Болам кулгусида жарангин суюб,
Райҳонлар пойига бошимни қўйиб,
Англадим, исларин булоғи Ватан.

Юлдуз учса осмон ерга ташламас,
Оққушлар ҳам ёт тўлқинга тўшламас,
Чўкар бўлсанг хас қўлингдан ушламас,
Тўлқинга дарёнинг қирғоғи Ватан.

Султон суягини хўрлабди қачон?
Инсонмас, вақт эрур замонга султон,
Тандирни тўлдириб кулиб турса нон
Кўзимга шу нонинг увоғи Ватан.

Чопгим келар ирмоқларнинг ортидан,
Ўпгим келар Момо Ернинг бетидан,
Ким ажраттай тирноғини этидан,
Эгиккан юракнинг титроғи Ватан.

Меҳнатнинг сурати чумоли изи,
Қаро тунга ойна тўлин ой юзи,
Бир нишган олмадек тўкилса ўзи,
Маҳмудга шу тупроқ қучоғи Ватан.

КЕЛ ЭНДИ

Бошим тошдан десам болиш ботади,
Армоним аллалаб тонглар отади.
Соғинчим райҳонга томиб ётади.
Кўзинг қароғига жоним жойлайин,
Кел энди, мен телба Мажнун бўлмайин.

Оқар сув ортига сира оқмасмиш,
Ёлвориб яшасанг ёрга, боқмасмиш.
Айтингиз, қай қизга "ёр-ёр" ёқмасмиш,
Токай фироғингда бағрим доғлайин,
Кел энди, зулфингни бир тароғлайин.

Йўлингда тош бўлсам тепиблар ўтгин,
Гулим, уфорингдан сепиблар ўтгин,
Санамсан, ғарибман додимга етгин,
Эшитинг зулфига зорим бойлайин,
Кел энди ой юзим, тўлиб ойдайин.

Кўзингда тонг бўлиб оттим келади,
Кўксингга қўшдай ботгим келади,
Баҳордай бағрингда ётгим келади,
Бу ёруғ дунёда сенсиз пайлайин,
Кел энди, Маҳмудинг Мажнун бўлмайин.

УЙИДА БАХТИ БОРЛАР, ҲАР ЕРДА БАХТИЁРДИР

Чироқ қадрини сўрсанг қоронғу кечалардан,
Бу кўҳна ҳақиқатни сўраб кўр нечалардан,
Ким уйидан бахт топмай, топганмиш кўчалардан,
Уйида бахти борлар, ҳар ерда бахтиёрдир.

Бахтингизни изламанг ўзга юрт, кошонадан,
Ватан ҳам бошланғуси дегайлар остонадан,
Ҳар бир сўзнинг аввали, сўрган мушфиқ онадан,
Уйида бахти борлар, ҳар ерда бахтиёрдир.

Тиниқ бўлса, тинмаса, изингдаги ирмоғинг,
"Болам", десанг куйдирса, кўрлар тўкса дудоғинг,
Ёноғингдан ўт олиб, ёниб турса чироғинг,
Уйида бахти борлар, ҳар ерда бахтиёрдир.

Тонгларда кўзларингда вафо кулиб уйғонса,
Оқшомлар болишингда садоқат гулдек ёнса,
Қадам боссанг остонанг меҳр бўлиб тўлғонса,
Уйида бахти борлар, ҳар ерда бахтиёрдир.

Кетяпман, хуш қолинг, келяпман ассалом,
Сиздан дунё сўрмаймиз, биргина ширин калом,
Шу кўҳна ҳақиқатни шоир такрорлар мудом:
Уйида бахти борлар, ҳар ерда бахтиёрдир.

ФАҚАТ ОРТИНГИЗДАН ОТАДИ ТОШНИ

Саломидан томар меҳру вафолар,
Мақомидан эса жонбахш дуолар,
Дўстларки, жонларин айлар фидолар,
Фақат ортингиздан отади тошни.

Гулдираб келишар чақмоғи тўла,
Тунда чироқ ёққан сўқмоғи тўла,
Қадр сўрасангиз, қароғи тўла,
Фақат ортингиздан отади тошни.

Отаси ўлганда эгмаган бошни,
Онаси ўлганда тўкмаган ёшни,
Сизга тўкадилар топиб бардошни,
Фақат ортингиздан отади тошни.

Пиёла жарангидек кулгуси бор,
Шеър эшитар, куйинади, туйғуси бор,
Ё раббим, кўнглида не ғулуси бор,
Фақат ортингиздан отади тошни.

Мен-ку, бу оламда шеър гадосиман,
Кўзингизга қалққан дард гадосиман,
Тош теккани бўлай Маҳмуд, шифосиман,
Фақат ортингиздан отади тошни.

Маҳмуд ТОИРОВ.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Кўчмас мулк биржасининг Сирдарё бўлими шу йилнинг 26 октябрида Гулистон шаҳрида кўчмас мулклар-нинг навбатдаги ким ошди савдосини ўтказади. Тадбир Гулистон шаҳар ҳокимлиги биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

САВДОГА ҚЎЙИЛАЁТГАН ИНШООТЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ:

Ховос тумани марказида, "Фарҳод"-5" қўрғони ҳудудида жойлашган
"ФАРҲОД" РЕСТОРАНИ...
...бетон ва пишиқ ғиштдан тикланган. Фойдали майдони 30 кв.м, ни ташкил этувчи ушбу оромгоҳ дўкон, маиший хизмат уйи, нонвойхоналар яқинида жойлашган.
Дастлабки баҳоси — *74 минг сўм.*

* * *

Оқ олтин тумани ҳудудида Гулистон — Пахтаобод, Дўстлик — Гулистон ва Жиззах — Гулистон катта автомагистрал йўли ёқасида жойлашган .
"ЧЎЛ ГУЛИ" КАФЕСИ
1979 йили пишиқ ғиштдан тикланган икки қаватли бинодир.
Бошланғич баҳоси — *120 минг сўм.*

* * *

Мирзаобод тумани Боғистон қўрғонидаги
13 хонали аҳоли яшамайдиган иншоотнинг
Бошланғич баҳоси — *100 минг сўм қилиб белгиланди.*
— (Нақд пул билан эса 70 минг сўм). Бино болалар касалхонаси, автобаза, болалар боғчаси кабилар қаторида жойлашган.

* * *

"БАҲОР" КАФЕСИ...
... эса Сирдарё шаҳрининг Чехов кўчасида жойлашган. 1990 йили қад кўтарган ушбу бинонинг ёрдамчи хоналари мавжуд. Умумий майдони 920 кв.метр. Озиқ-овқат дўкони ва аҳоли истиқомат қиладиган уйлар яқинида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — *25 минг сўм.*

* * *

"НАВБАҲОР" РЕСТОРАНИ
"Москва" давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган. 1979 йили замонавий усулда бунёд этилган мазкур бинонинг иккита этажлар зали, омборхонаси ҳамда хизмат хоналари бор.
Ёзги зал 553 кв. метрни ташкил этади. 400 ўринга мўлжалланган. Бундан ташқари ресторанинг кўкаламзорлаштирилган майдонлари ва автомашиналар учун турар-жойлар бор.
Бошланғич баҳоси — *675 минг сўм.*

* * *

Мирзаобод тумани "Шелк" давлат хўжалигида жойлашган кундалик эҳтиёж моллари дўкони ҳам Гулистон—Янгиер автотрассаси ёқасида жойлашган.
Бошланғич баҳоси — *25 минг сўм.*

* * *

Шунингдек ушбу ким ошди савдосига яна Ховос тумани Карвон-сарой қўрғонида жойлашган дўкон.
Бошланғич нархи — *20 минг сўм.*
Янгиердаги "Орзу" кафеси
Бошланғич нархи — *16 минг сўм.*
Гулистон шаҳридаги хонадонлар ҳамда "УАЗ — 469"нинг янги мотори
Бошланғич нархи — *60 минг сўм ҳам қўйилган.*

Ким ошди савдосига марҳабо!

Мурожаат учун Гулистон шаҳридаги телефонларимиз: 21-707, 26-328.

*Арғумоқ остин гдадур

ВОЙ БОШИМ... ҚОН БОСИМ

Қон босими хасталиги кўп тарқалган. Иситмаси ошкор қилмайдиган дардлардан. Кўпчилик қон босими юқорилиги ёки пастлигини билмай ҳам қолади. Бош қаттиқ оғрийди. Кейин гангиб, каловланади.

Хўш, бундай касалликнинг олдини олиш ёки соғайиб кетиш йўллари борми? Менимча, аввало, семиришга барҳам бериш керак. Чунки вазнингиздаги бир килограмм ортиқча юк қон босимининг симоб устуни бўйича икки миллиметрга кўтариши аниқланган.

Кейин еб-ичишда ош тузини камайтириш лозим. Шўрроқ ва ўткирроқ таомларни хуш кўрувчиларнинг қон босими 7-11 мартагача кўтарилиши кузатилмоқда.

Қон босимига йўлиққан кишилар учун халқ табобатидаги айрим малҳамларни тавсия этмоқчимиз. Иложини топсангиз, саримсоқнинг ўртача бир тишини чайнамасдан сув билан ютиб юринг. Бу муолажа эрталаб бир марта қилинса кифоя. Яна картошка пўчоғидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун 4-5 картошканинг пўчоғини яхшилаб ювиб, 0,5 литр сувда 15 минут қайнатиб, сузиб олингач, совитилади. Кунига ана шу қайнатмани 1-2 пиёла ичиб юрилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

МАРҒУБА БУВИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президиуми қошидаги География бўлими жамоаси мазкур бўлим илмий маслаҳатчиси, география фанлари доктори, профессор З. М. Акрамовга қизи
Сайёра АКРАМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

"Ўзбекенгилсаноат" уюшмасининг "Енгил саноат" савдо уйи ҳиссадорлик жамияти жамоаси бўлим бошлиғи Х. Ф. Ёқубовга падари бузруквори
Файзулла ЁҚУБОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Санъат ғунчалари".
18.40 "Олий Мажлис — у қандай бўлади?"
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 60 йиллиги олдидан. "Шеъриятимиз сарҳадлари".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар:
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўлмас Умарбеков. "Кузнинг биринчи куни". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.40 Футбол бўйича Осиё чемпионлари кубоги. "Нефтчи" (Фарғона) — "Сайпа" (Теҳрон).
00.10 — 00.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Полопон".
18.55 "Йўлингиз бехатар бўлсин!".
19.25 "Деҳқон ҳиммати".
19.55 — 22.25 "Кин дза-дза". Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Кунчиқар мамлакатида". Ўзбекистонлик олимларнинг Японияга сафари ҳақида /рус тилида/.

"ОМАД" таништиради:
20.00 "Совға".
20.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
20.50 "Хусусийлаштириш: қадам бақадам".
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — "О".
22.45 Эълонлар.
22.50 "Курьер".
23.10 "Об-ҳаво ҳақида".
23.20 — 23.30 "Постфактум". Ҳафта мобайнидаги газеталар шарҳи.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 "Ҳамманинг тилида".
18.30 "СБ" жумбоғи.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Р. Зорге.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.55 "Театр + ТВ". О. Яковлева.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Спорт уик-энди".
21.55—22.40 "Эркак ва аёл".

Сешанба, 25

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Лўли". Бадиий фильм.
10.20 "Гуллар юртининг дурдоналари". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 Концерт.
11.40 Немис тили.
12.00 "Сиҳат-саломатлик" почтасидан.
12.30 — 14.30 "Нурли келажак". Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Хотира китоби".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Телеоператор нигоҳида". Париж.
19.40 "Ёшлар куйлаганда". Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Кенгашганга кенг дунё".
21.45 "Кузги марафон". Бадиий фильм.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Инсон ва қонун" кўрсатуви почтасидан.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.00 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/.
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 Хитой телевиденеиесининг кўрсатувлари.
21.55 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.10 Қозоғистон Республикасининг Мустақиллик кунига. "Дидар" (қозоқ тилида).
22.50 — 23.05 "Си-Эн-Эн"янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "Вазият".
18.30 "Инсон ва қонун". Махсус сони.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. М. Ганди.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Илк манбадан".
21.50 — 22.35 "Олтин шлягер".

Чоршанба, 26

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Фаввора". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Романс тинглаб...". Мусиқий кўрсатув.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
12.00 "Чинорлар ва ниҳоллар".
12.40 — 14.40 "Ёшлик" видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Бозор иқтисодиёти сабоқлари".
18.25 "Фан фидойиси".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!".
20.10 Оқшом эртаклари.
20,25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.00 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. "Икки фильм, бир услуб". Кинокўрсатув.
23.10 — 23.35 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Умид билан яшайлик".
19.00 "Бумеранг".
19.30 "Нурли хотиралар".
20.30 "Хонадонингизга осойишталик тилаймиз".
21.00 — 22.55 "Ҳақиқат рўёбга чиқсин". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Европа марказида". Германия.
*
20.00 "Санта - Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.50 — 24.00 "ОМАД" таништиради: "ҚИТЪА СПОРТИ".
Дастурда:
— халқаро мусобақалардан репортажлар;
— Ўзбекистоннинг етакчи спортчилари билан суҳбатлар;
— спорт ҳақида ҳикоялар;
— ахборот ва эълонлар.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси.
18.30 "Тун ёп-ёруғ". Г. Борисова куйлайди.
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. Б. Брехт.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.30 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кинопанорама".
20.40 Хайрли тун, кичкинтой-лар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Монолог".
21.50 — 23.45 Ален Делон "Борсалино ва К" бадиий фильмида (Франция, Италия, ГФР, 1974 й.).

Пайшанба, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Темир эркак". Бадиий фильм.
10.15 "Наққош". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 "Саболарда орзу яшар". Мусиқий кўрсатув.
11.40 "Ўзбек давлатчилиги тарихи".
12.15 "Ёшлик" студияси. "Истеъдодларни излаймиз".
13.15 — 14.45 "Синов даври". Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Сайёра Қозиева куйлайди". Фильм-концерт.
18.30 "Таълим ва ислоҳот".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Эл хизматида".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳуқуқий жамият сари".
21.30 "Шийпондаги учрашувлар".
22.40 "Кино, кино, кино".
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.35 "Жозиба".
18.55 "Бир шингил ҳангома".
19.05 Видео янгиликлари.
19.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
20.10 — 22.10 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/.
20.30 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
21.20 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб".
22.00 — 22.40 "Хиросима - 94". XII Осиё ўйинларига бағишланган кўрсатув.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "...16 ёшгача ва ундан катталар".
18.30 "Россия тароналари".
18.45 "Ким аслида ким?" XX аср. У. Черчилль.
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Очиқ ҳавода суҳбат". Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви. Е. Евтушенко билан учрашув.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Москва — Кремль".
22.00 — 22.20 "Мен сизга куйлаб бераман...".

Жума, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Сиздан угина, биздан бугина". Бадиий фильм.
10.25 Немис тили.
10.45 Болалар учун. "Она юртим, янгроқ қўшиғим".
11.15 "Ҳаёт гулшани".
11.45 "Қишга тайёрмисиз?".
12.15 — 12.55 "Ғазалхон ёшлигим".

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ҳаракатда — барака".
18.35 Мухбирларимиз ҳикоя қилади.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Фазилат".
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Маърифатнома".
21.40 "Мусиқамиз хазинасидан". "Муножот" туркуми.
22.40 "Кино усталари". Наби Раҳимов.
23.30 — 23.55 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.00 "Билиб қўйган яхши!".
19.25 "Шифокор билан мулоқот".
20.10 "Серенада". Телевизион қисқа метражли бадиий фильм.
20.40 — 22.10 "Сиз билан, Сизлар учун!".

ЎзТВ III

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".
19.30 "Кафолат".
20.30 "Санта - Барбара". Телевизион бадиий фильм.

"ОМАД" таништиради:
21.20 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
21.40 Эълонлар.
21.45 "Шарқ дурдоналари".
22.05 "Даракчи".
22.15 Эълонлар.
22.20 — 24.00 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 "Инсон ва қонун".
18.30 "Ҳужжатлар ва тақдирлар".
18.50 Янгиликлар.
19.00 "Бомонд".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
22.00 — 23.00 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 8-серия.

Шанба, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Нодир шахс". Бадиий фильм.
10.20 "Қирқ ҳунар ҳам оз".
10.55 "Ҳуқуқингизни биласизми?".
11.25 Рақслар гулдастаси.
11.55 "Кичкинтой студияси. "Қўғирироқча".
12.25 "Фан ва ишлаб чиқариш".
12.55 "Ал-Мўмин" фирмаси.
13.10 "Талабалик йилларим".
13.45 — 14.45 Солижон Пўлатов. "Улуғбек васияти". Шаҳрисабз шаҳар халқ театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Фарзанд — умид юлдузи".
18.30 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳ.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.30 "Дил номалари". Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Бўстон". Телевизион журнал.
22.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Нефтчи".
23.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
12.50 "Омад" тақвими.
12.55 "Жозиба".
13.15 "Бир шингил ҳангома".
13.25 Видео янгиликлари.
13.50 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.40 — 16.40 "Кинонигоҳ".

* * *

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Балерина Насиба Алимова". Телефильм.
19.40 "Компьютер мўъжизаси".
20.00 — 21.50 Кинематограф. "Чарли Чаплин фильмлари".

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.15 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Дунган миллий маданият маркази.
10.55 "Ўзбекистон — чет эллик меҳмонлар нигоҳида".
11.30 — 12.00 "Эҳтиёж".

***

18.00 — 19.20 Туркия телевиденеиси.
*
19.20 "Мультқарусель".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан". Туризм маршрутлари бўйлаб.
20.25 "Барча юлдузлар". Америка маданияти намояндалари. Глен Миллер.
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.15 "Бу ажиб дунё".
21.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.50 "Дунё ва биз". Буюк Британия.
22.20 — 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 "Брейн-ринг".
18.45 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.35 "Коламбия пикчерс" та-ништиради: "Шляпалилар командаси". Телесериал. 3-се-рия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 "Коламбия пикчерс" таништиради. "Зигфельд. Эркак ва унинг аёллари". Телефильм. 3-серия.
22.40 — 23.20 "Оба-На".

Якшанба, 30

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Шоҳруҳ" клуби.
9.30 "Таълим — мустақиллик пойдевори".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 90 — 91-сериялар.
12.00 "Ўзбекистон бастакорлари". Ҳалимжон Жўраев.
12.45 "Бўталоқ". Жумҳурият қўғирчоқ театрининг спектакли.
13.30 — 14.30 "ДДД ва бошқалар...". Спорт кўрсатуви.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бир дунё болаларимиз".
18.35 "Ҳунари бор — хор бўлмас". Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Ёшлик" студияси. "Бир ўлка-ки...".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Ойнаи жаҳонда...".
21.25 "Дилдаги гаплар". Насиба Абдуллаева.
22.25 "Қуюшқондан чиққанда". Бадиий фильм.
23.40 — 00.10 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқали кўрсатув.
17.50 Эълонлар.
17.55 Видео — "О".
19.35 "Рок ҳақида".
20.05 "Курьер".
20.25 "Об-ҳаво ҳақида".
20.35 "Даракчи".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Постфактум".
21.00 "Келинг, танишайлик". М. Матье.
21.40 Эълонлар.
21.45 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
11.00 "Ташрифлар ва таклифлар".
11.20 — 12.45 "Ёввойи оққушлар". Бадиий фильм.

***

18.00 — 19.30 Туркия телевиденеиси.
*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари /Ҳиндистон/.
20.55 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси". Жазоир Мустақиллиги кунига.
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Поднум".
22.20 "Бу ажиб дунё".
22.40 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
23.10 "Спорт, спорт, спорт".
23.25 — 23.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Янгиликлар.
18.15 "Мулимэлу". Таймир халқининг миллий либоси ҳақида телефильм.
18.30 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
19.30 "Бутун Россия". Тоғли Олтой шаҳри.
20.00 "Қочоқ одам". Бадиий фильм (АҚШ).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; ; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. Г – 1181, 72841 нусхада босилди.

Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.